

салы: «Ақ сүтин ақлады» хэм «ақ сүтине ырза болды» — миннетдар болды, қарызын өтеди мәнилеринде жумсалады.

Ақ сүтинди қарыстырып қанына, Хәйийүлетип көтердиң алақанына (И.Юсупов, «Ана»).

Ақ хэм қара реңлері басқа реңлерге қарағанда фразеологизмлер қурамында көп ушырасады.

Ески түркий тилинде қызыл — кубланы, қара — арқаны, ақ — батысты, көк — шығысты билдирген. Бизің халқымыз арасында да ақ патша, ақ үйли етиў, айдың он беси қараңғы, он беси жарық, ақ дегеним — алғыс, қара дегеним — қарғыс сыяқлы сөз дизбеклери де ушырасады. Қызыл тамырымызда ағып турған қан, жалын, от, ыссылық мәнилерине ийе. Бул рең көбинесе соматикалық фразеологизмлерди жасайды [12:146]. Хәқыйқатында да, бул реңлерди көбинесе адамның дене мүшелери менен қатар жумсалғанын көремиз.

Фразеологизм қурамында ақ хэм қара рең аңлатушы сөзлер қабатласып келип те қолланылады. Бундай жағдайда көбинесе ақ хэм қара сөзлери, жекке сийрек халларда көбирек теңлес еки компонентли фразеологизм қурамында көриўимизге болады. Мысалы: «аўзына ақ ийт кирип, қара ийт шығыў» — парықсыз сөйлеў. ...атам бар екен-аў, намаз оқып отыр екен-аў деместен, баласының сыйрағынан сүйреп аўзына ақ

ийт кирип, қара ийт шығып алып кетти (Қ.М «Тербен-бес» 171-б); «Көзиниң ағы-қарасы» — қадирли, әшире-пи; Биреўлерің - қызым, бириң - қарындас, Көзлерим-ниң ағы-қарасы қызлар (И.Юсупов, «Бүлбүл уясы»); «Ақ-қараны таныды» — ержетти, есейди. Дурыс айы-рыў ушын қараны ақты. Илгир зейин сыншы керек, сын керек (И.Юсупов, «Сын керек»); «Ақты қара қы-лыў» — жаманлаў. Жаманлықтың белгиси Жақсы сөзди жактырмас, Ақты қара қыларда, Қараны бирақ ақ қыл-мас (Т.М «Ашылысыў» 56-б); «Ақ шашлы, сары тисли» — қартайған адам; «Азарып аққа, көгерип көк-ке шықнады» — мийнетиниң нәтийжесин бермеді.

Бундай қурамында рең мәнилері бар фразеологизм-лер көпшиликти қурайды. Сонлықтан, буны бир мақала көлеминде жеткізиў қыйын. Реңлер мәселеси линг-вомәдени таруында үйрениў яғный семантикалық жақтан таллаў жасаў әхмийетли. Жуўмақлап айтатуғын болсақ, хәзирги қарақалпақ тилиндеги хәр қыйлы реңди билдириўши сөзлердиң қолланылыў өриси белгили бир реңди аңлатып, соның ала абстракт ойлаўдың раўажла-ныўы нәтийжесинде басқа да мәнилерди билдиреди. Тилимиздин сөз байлығы, сөзлердиң маржаны, жоқары эмоциялы, тез тәсир етиўши фразеологизмлер қарақал-пақ халқын, оның тарийхын, үрп-әдетин, адамгершилиқ қәсийетлерин қысқа хэм анық етип сўўретлейди.

Әдебиатлар

1. Верецагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. —М.: Русский язык, 1980.
2. Кононов А.Н. О семантике слов кара и ак тюркской географической терминологии. Известия АН. Таджикской ССР. вып. V. 1954, 83-86. Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках. Тюркологический сборник. —Москва: «Наука», 1973.
3. Садыкова М.С. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке. Автореф. дисс. канд.фил.наук. —Ташкент: 1963,
4. Алимпиева Р.В. Семантическая структура слова «белый». // Вопросы семантики, выпуск 2. -Л.: 1976.
5. Хаққул И. Яна қара ранг талқини ҳақида. // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2001, №3,
6. Шойбеков Р.Н. Кейбир түр-түс атауышларының мағыналары. //Қазақ ССР ҒА. Хабарлары. Филология сериясы, 1990, №3.
7. Бекбергенов А. «Қара» сөзиниң мәнислери ҳаққинда. // «Вестник» ККФАН УзССР, 1969, №4.
8. Аймурзаева Ә. Қарақалпақ тилиндеги түр-түс билдириўши келбетликлердиң мәнилері ҳаққинда. —Нөкис: Қарақалпақ тил билиминиң әхмийетли мәселелери. 1995.
9. Содикова М. Қара сўзи ва унинг маънолари II. Тилшунослик масалалари, 1-китоб. -Тошкент: 1960.
10. Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках. Тюркологический сборник. —Москва: «Наука», 1978.
11. Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг хусусиятлари. НДА. —Самарканд: 2004.
12. Мажитов Ш., Қасқатаева Ж. Фразеологизмдер қурамындағы түр-түс атаулары: лингвотанымдық талдау. —Қарағанды: «Филология» № 1(69) , 2013.
13. Пахратдинов Қ., Бекниязов Қ. Қарақалпақ тилиниң фразеологизмлер сөзлиги. -Нөкис: «Қарақалпақстан» 2018.

РЕЗЮМЕ

Мақолада таркибида түр-хилни аңлатувчи, рангни билдирувчи фразеологизмлар ўрганилади. Тилшуносликда ранг атамалари аввалдан лексик гуруҳга киритилган. Бизда маълум бир рангга боғлиқ тилда ҳар хил идиомалар, фразеологизмлар ва нақл-мақоллар қўлланилади. Ранг атамалари фразеологизмлар таркибида келип, табиатга, одамга, ижтимоий ҳаётга, урф-одатга, ҳар хил тўй ҳашмалари, маросимлар ва бошқа шу каби кўнгил қўйга боғлиқ ҳолда ўрганилса бўлади.

РЕЗЮМЕ

В статье изучаются фразеологизмы, которые выражают внешний вид и цвет. На самом деле, в языкознании названия цветов составляют лексическую группу слов. Известно, что в языке употребляются различные идиомы, фразеологизмы, пословицы и поговорки, связанные с цветами. Названия цветов в составе фразеологизмов можно изучать по отдельности по их отношению к природе, человеку, социально-общественной жизни, традициям, обычаям и к различным состояниям человека как радость, тоска и многим другим.

SUMMARY

The article studies phraseological units that express the appearance and color. In fact, in linguistics, colors make up a lexical group of words. It is known various idioms, proverbs and sayings associated with colors are used in the language. The colors as a part of phraseological units can be studied separately according to their relation to nature, man, and social life, traditions, customs, and various human states like joy, longing and others.

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА ТЕРМИННИ ТАЪРИФЛАШНИНГ ТУРЛИ ЁНДАШУВЛАРИ

Д.И.Ходжаева — филология фанлари буйича фалсафа доктори
Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: термин, норматив, дескриптив, лексик-семантик, терминологик тизим, терминологик майдон, моносемия.

Ключевые слова: термин, нормативный, дескриптивный, лексико-семантический, терминологическая система, терминополь, моносемия.

Key words: term, normative, descriptive, lexical-semantic, terminological system, terminological field, monosemy.

Замонавий тилшуносликда терминология соҳасида олиб борилган қатор тадқиқотларга қарамай, терминни таърифлаш муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Терминнинг муҳим хусусиятларини ўрганиш бўйича жуда кўп сонли фундаментал тадқиқотлар олиб борилган, аммо тилшуносликда ҳали ҳам терминни аниқлашнинг универсал ва тўлиқ усулла-

рини ишлаб чиқишга эришилмаган.

Термин замонавий тадқиқотларда маълум илм-фан соҳасига доир тушунчани ифодалайдиган сўз ёки сўз бирикмаси сифатида таърифланади. В.А.Татарinov терминни махсус тушунча, ҳолат ёки предмет билан боғлиқ бўлган тил бирлиги (сўз/сўз бирикмаси) сифатида таърифлайди [9:56]. Биринчи, яъни норматив

ёндашувга асосланган ушбу таърифда термин умумидабий тилдаги сўзлардан фарқланувчи махсус семантик-грамматик структурага эга бўлган маълум турдаги лексик бирлиқдир. В.П.Даниленко дескриптив ёндашув вакили ҳисобланиб, унинг фикрича, термин яқка, алоҳида, мустақил номлаш бирлигидир. У махсус лисоний белги хусусиятига эга бўлиб, сўз ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланишидан қатъи назар, битта тушунчага мос келувчи бир белгини ифодалайди [6:60-64]. Демак, иккинчи, яъни дескриптив ёндашувда термин махсус функция бажарувчи сўз сифатида таърифланиб, терминологик бирликларнинг функцияларига алоҳида эътибор қаратилган. Д.С.Лотте терминни маълум илм-фан соҳаси тизимидаги товуш белгиси ва унга алоқадор тушунча бирлиги дея баҳолайди [7:73]. О.С.Ахмановнинг бу борадаги қарашлари эътиборли: «Термин – особое слово или словосочетание специальной сферы употребления, служащее для точного выражения специальных понятий и основанное на дефиниции» [1:27]. Юқоридаги таърифда терминнинг асосий хусусияти ва белгилари акс этиши ҳамда изоҳ аниқ ва ихчам бўлиши кераклиги инобатга олинган.

Мазкур йўналишдаги учинчи ёндашувга асосан, терминология замонавий адабий тил лексикасининг муҳим таркибий қисми бўлганлиги сабабли термин ва сўз орасида ўзаро алоқа мавжуд. Бироқ бу таърифлар ҳам термин моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди, чунки термин фақат техник тушунчалар билан эмас, балки бошқа билим соҳалари (санъат, илм-фан ва б.) билан ҳам боғлиқдир.

Маълумки, терминнинг энг муҳим хусусияти шундаки, у ўзи англатган тушунча билан ўзаро алоқада бўлади. Термин муайян тушунча ифодалайди ва шу тушунчанинг шаклланишида иштирок этади [4:18]. Демак, термин – ўта мураккаб, ўзига эътиборни талаб қиладиган лингвистик ҳодисадир. Шунинг учун дунё тилшунослигида уни таърифлашга, функционал хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жаҳоннинг барча мамлакатларида терминологик марказларнинг фаолият кўрсатаётганлиги фикримизни тасдиқлайди. У ҳам бошқа лисоний ҳодисалар каби турлича таъриф ва тавсифга эга. Бу таърифу тавсифларни кузатиш жараёни уларнинг аксар ҳолда илмий ва дидактик манбаларда асосан бир хил берилганлигини кўрсатади. Бу қуйидаги киёсларда кўзга ташланади:

1. «Term [tʒ:m; NAmE tʒ:rm] *noun* see also TERMS 1 [C] a word or phrase used as the name of sth, especially one connected with a particular type of language: a *technical / legal / scientific, etc. term* • a *term of abuse* • ‘Register’ is the term commonly used to describe different levels of formality in language. → note at WORD» [13:1526].

2. «Термин [лат. terminus – предел, граница, пограничный знак] – слово или словосочетание, точно обозначающее какое-либо понятие, применяемое в науке, технике, искусстве. В отличие от слов общепотребительных, которые часто бывают многозначными, термины, как правило, однозначны, им не свойственна также экспрессия» [18:442-443].

3. «Термин [<лат. terminus – предел, граница] – 1) слово или сочетание слов, точно обозначающее определенное понятие, применяемое в науке, технике, искусстве» [20:492].

4. «Термин [от лат. terminus – граница, предел] слово или сочетание слов, употребляемое с оттенком специального научного значения» [21:1316].

5. «Термин [от лат. terminus – граница, предел] – слово или словосочетание, обозначающее понятие специальной области знания или деятельности» [19:508].

6. «Термин [р<лат] – фан, техника, касб-хунарнинг

бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама» [15:165].

7. «Термин [лат.terminus – чек, чегара] Фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. *Ботаника терминлари. Заргарлик терминлари. Пахтачилик терминлари*» [17:606].

Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясини киёсий тадқиқ

қилган П.Нишонов терминни қуйидагича изоҳлайди: «Терминлар семантик жиҳатдан махсус соҳа доираси билан чегараланади ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлиқдир» [8:25].

О.Ахмедов: «...терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумидабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зеро, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирлиқлардир» – дея таъкидлайди [2:19].

Кўринадик, юқорида келтирилган лингвистик ва лексикографик манбаларда термин деганда, муайян тушунчани аниқ ифодаловчи фан, техника, санъат ва бошқа турли соҳаларда қўлланувчи сўз ёки сўз бирикмаси тушунилади. Замонавий таърифлар орасида А.С.Герд қарашлари муайян илмий асосга эга. Олим фикрича, термин – илм-фан тараққиётининг маълум даражасида мавжуд бўлган илмий тушунчанинг асосий хусусиятларини аниқ ва тўлиқ акс эттирадиган махсус терминологик маънога эга бўлган маълум табиий ёки сунъий тил бирлигидир (сўз ёки сўз бирикмаси) [3:1-4].

В.Г.Гак терминнинг муълақо ўзгача, бир қарашда англаш ва идрок этиш куйиндек туюладиган, аслида жуда тўғри таърифини беради. Акс ҳолда термин-сўз, сўз-термин, сўз-нотермин, квазитермин, номен, илктермин каби тушунчалар устидаги баҳс ва мунозаралар узоқ давом этиши мумкин. Олим терминнинг моҳиятини ёритган ҳолда унинг тил луғавий тизимидаги ўрнини аниқлайди. У илмий адабиётларда терминни луғавий бирликларнинг алоҳида тури сифатида қаралишига эътироз билдириб, «термин – функция, луғавий бирлик қўлланишининг бир кўриниши» деган фикрни билдиради. Олимнинг ёзишича, ниманидир ифодалайдиган ва тушунчалар қаторида муайян ўринни эгаллай оладиган ҳар қандай луғавий бирлик термин бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикр, қарашлар умумлаштириладиган бўлса, терминнинг қуйидаги хусусиятлари намоён бўлади: 1) тизимлилиқ; 2) таърифнинг мавжудлиги; 3) мазкур терминологик майдон доирасида монотемияга мойиллик; 4) услубий бетарафлик. Ҳар қандай термин ўзида ана шу хусусиятларни мужассам этган бўлиши шарт.

Х.Дадабоев ўзбек тилида терминология масалалари тўғрисида тўхталиб қуйидагини таъкидлайди: «Ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши икки йўл билан воқеаланади: а) тилда мавжуд, тайёр сўзлардаги янги нарсалар-предмет ва тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш; б) ўзбек адабий тили сўз яшаш имкониятлари иштирокида янги терминлар яратиш» [5:24].

О.Ахмедов терминологияга табиий шаклланадиган лексик қатлам сифатида қараб, ундаги ҳар бир бирлик истеъмол қилиниши учун ўзининг аниқ ифодаси ва чегарасига, «яшаши» учун эса оптимал шароитга эгалигини таъкидлайди [2:19].

Кейинги пайтларда термин сўзи атама сўзи билан синоним сифатида қўлланмоқда. Баъзи манбаларда мазкур терминлар борасида берилган бир-бирини инкор этувчи фикрларни келтирамиз «Термин сўзи ўрнида баъзан атама, истилоҳ сўзларини ишлатиш ҳоллари учраб туради. Аммо бу тўғри эмас. *Атама термин*

сўзига нисбатан тор тушунчани ифодалайди. *Истилоҳ* сўзи эса арабчадир. Уни халқ тушунмайди ва меъёрга айланган эмас. Терминология масалалари ҳамиша тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Чунки терминларнинг соҳалар лугавий қатламларидаги ўрни ва вазифасини белгилаш, тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш имконини беради” [11,13]; “Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгунга қадар ва у амал қила бошлагандан кейин қатор-қатор матбуот ходимлари, айрим тилшунослар Давлат тили ҳақидаги қонунни тўлиқ жорий этиш ўрнига, унинг айрим бандларига деярли эътибор бермай, қўлдан бўён қўллаиб келинаётган ва омма нутқида сингиб кетган қўллаб терминларни, уларнинг ички мазмунини ўрганмай туриб, янгидан нотўғри ҳосил қилинган лексемалар билан алмаштира бошлашди. Ҳатто, “термин”, “терминология” кабилар “атама”, “атамашунослик” лексемалари билан алмаштириб қўлланадиган бўлди. Бинобарин, “атама”, “атамашунослик” каби тушунчалар умумхarakterда бўлганлиги эътиборга олинмади. Чунки, “атама” дейилганда, терминологияга мутлақо алоқаси бўлмаган ономастика (топонимия, антропонимия, ойконимия

кабилар)га алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади” [10,13]. “Атама фан ва техника, маданият ва санъат соҳасидаги бир аниқ тушунчани ифодалайдиган сўзидир. Масалан, фон, фонема, фонология, парадигма каби атамалар тилшуносликка ҳосидир. Атамашунослик атамаларни ўрганадиган фан тармоғидир” [12:165]; “**Атама** эск. айн. **термин**” [14:61]; “**Атама 1 айн. термин. 2** Умуман, ном. *Лекин шаманни ҳар бир халқ ўз тилидаги ном, атама билан юритиб келган. Республикаимизнинг ўзидагина 400 дан ортиқ турли-туман қовун атамалари мавжуд экан*” [16:113].

Кейинги ўрта манбада берилишича, *атама* сўзи *термин* сўзи билан айнан бир эканлиги кўрсатилган. Бизнинг фикримизча, бундай қараш баҳслидир. *Термин* сўзи маълум бир соҳада қўллansa, *атама* сўзининг маъноси *термин* сўзининг маъносидан кенгроқ бўлиб, у барча нарсалар ва ҳодисаларнинг номи сифатида тушунилади. *Термин* ва *атама* сўзлари бир-бирига яқин тушунча ифодалашига қарамай, улар айнан бир хил сўзлар эмас ва уларни алмаштириб қўллаб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз *термин* сўзини қўллашни маъқул топдик.

Адабиётлар

1. Ахманова О. С. Экстралингвистические и внутрилингвистические факторы в функционировании и развитии языка. // Теоретические проблемы современного советского языкознания. - М.: 1966. -С. 27.
2. Ахмедов. О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фанлари докт. дис... автореф. –Тошкент: 2016. 19-б.
3. Герд А. С. Значение термина и научное знание // Научно-техническая информация. Сер. 2. -М.: 1991. №10. -С. 1- 4.
4. Голованова Е.И. Лингвистическая интерпретация термина: когнитивно-коммуникативный подход. //Известия Уральского государственного университета. 2004. № 33. -С. 18-25.
5. Дадабоев Х. Ҳозирги ўзбек тили қурилишида ўзбек тилининг ўрни// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференция материаллари. -Тошкент: 2015. 24-31-б.
6. Даниленко В. П. О месте научной терминологии в лексической системе языка. // Вопросы языкознания. 1986. №4.
7. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии: вопросы теории и методики. – М.: «Наука», 1961.
8. Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. -Т.: 2009. 25-б.
9. Шмелева О.Ю. Современные подходы к определению термина как специальной единицы языка. // Вестник Ленинградского государственного университета им. А.С.Пушкина № 3, 2010.
10. Хусанов Н. “Иқтисодиётда техник ёзув” фанидан маъруза матни. -Т.: 2011. 17-б.
11. Холманова Т.Ш. Нефть ва газ соҳасига оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари. Магистрлик дис. ... -Т.: 2013. 82-б.
12. Irisqulov M.T. Tilshunoslikka kirish (ikkinchi nashri). -Т.: “Yangi asr avlodi”, 2009. 264-b.
13. Oxford Advanced Learner’s Dictionary, 7th edition. – Oxford University Press, 2006. –P. 1715.
14. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Рус тили, 1981. 631-б.
15. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Рус тили, 1981. 715- б.
16. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
17. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
18. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М.: Советская энциклопедия, 1966. –С. 606.
19. Лингвистический энциклопедический словарь. -М.: Советская энциклопедия, 1990. –С. 807.
20. Словарь иностранных слов, под ред. Петрова Ф.Н. 18-изд. – М.: Русский язык, 1989. 606-б.
21. Советский энциклопедический словарь, под ред. А.М.Прохорова. -М.: Советская энциклопедия, 1985. –С. 1599.

РЕЗЮМЕ

Мақолада термин, уни таърифлашнинг норматив, дескриптив каби турли ёндашувлари, терминнинг моҳияти ва хусусиятлари каби масалалар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются различные подходы дефиниции терминов, такие как нормативный, дескриптивный. Автор статьи также раскрывает суть, особенности и свойства терминов.

SUMMARY

The given article deals with different approaches to defining terms, such as normative, descriptive and others. The main features and peculiarities of terms are also studied in the article.

MUSHTARAK IJTIMOIIY MUHIT VA KOMMUNIKATIV YAXLITLIKDA TILLAR O‘ZARO TA‘SIRI MASALALARI

E.Xo‘janiyazov – *filologiya fanlari nomzodi, dotsent*

Sh.Sh.Yuldasheva – *filologiya fanlari nomzodi*

G.A.Yusupova – *assistent o‘qituvchi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: o‘zaro ta‘sir, turkiy tillar, o‘zbek tili, qoraqalpoq tili, bir tizimdagi tillar, eski o‘zbek tili, eski qoraqalpoq tili, leksika.

Ключевые слова: взаимодействие, тюркские языки, узбекский язык, каракалпакский язык, родственные языки, староузбекский язык, старокаракалпакский язык, лексика.

Key words: interaction, Turkic languages, Uzbek language, Karakalpak language, relative languages, Old Uzbek, Old Karakalpak, vocabulary.

Ilmiy adabiyotlarda tillarning ta‘siri masalalari har xil tillar misolida, har xil aspektlarda o‘rganilgan. Ekstralingvistik faktorlarga bog‘liq holda, har xil ijtimoiy

tuzumlarda, har xil mafkuralar ta‘sirida ular turli yo‘nalishlarda o‘rganilgan. Jamiyatda tillar maqomi teng bo‘lgan tuzumda ularning bir-birini boyitib borishi, ifoda